



ИСТИҚДОЛИНГ АБАДИЙ, ВАТАН!

ЎЗБЕКИСТОН – ЁШЛАРНИКИ


— Ёшликни баҳор фаслига қиёс қилишади. Ватанимизнинг ҳозирги ёшлари ҳаваас қилгулик дориламон замонда яшамокдалар. Республика аҳолисининг яримдан кўпини ташкил этувчи жамиятимизнинг мазкур қатлами томирларида Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари аҳли донишлар ҳамда Алп Эр Тунга, Барчиной, Тумарис, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темур, Темур Маллик каби юртпарвар саркардаларнинг қони оқаётгани шубҳасиздир, - деди фестивалнинг ташкилотчиларидан бири Хайрулло Нуриддинов "Туркистон-пресс" муҳбирига. - Улар кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва унинг равнақи учун ҳар жаҳда аждодларга хос буюк кашфиётлар қилишга қодирлигини эътироф этган ҳолда, она-Ватанга садоқат ва меҳрмуҳаббат руҳида камол топиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода 1 июль кuni пойтахтимиздаги МХСК ўйингоҳида ташкил қилинган "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остидаги ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги қўшқар фестивали келажагимиз эгалари бўлган баркамол авлод руҳиятига оз бўлса-да, кўтаринлик бахш этади, деган умиддаман.

Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партиясининг "Ёшлар қаноти", Олий Мажлисининг Ёшлар комиссияси, Мудофаа Вазирлиги, Ёшлар теле ва радио каналлари, "Тарона Рекордс" студияси ўзаро ҳамкорликда ташкил этаётган мазкур фестивалда халқимизнинг 20 га яқин сеvimли яккахон хонанда ва гуруҳлари ижросида серкўш юртимиз мадҳи қўилган бир пайтда барча ёшларимиз баралла овозда жўр бўлишлари табиий.

Байрам арасидаги қизқарлик викторина ўйинлари ғолиблари муносиб тақдирландилар. Ушбу хайрли тадбирда ҳоимларнинг кўрсатилган кўмаги таҳсинга сазовор. Биринчилардан бўлиб Рустам Қосимов бошчилигидаги Республика Матбуот тарқатиш очик турдаги акциядорлик жамияти бундай ташаббус билан чиққани, шунингдек, нодавлат ташкилот ва оммавий ахборот воситалари қўшаётган ҳисса кучли жамиятнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишдаги муносиб улушидир.

"Туркистон-пресс"



АСРГА ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРСИЗ

Республика "Камолот" жамғармасида "Ёшлар XXI аср сари гиёҳванд моддаларсиз" дастури бўйича нашр этилган "Гиёҳвандлик — бу нима?" деб номланган қўлланмасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Анжумани Республика "Камолот" жамғармаси бошқарув раиси Хотам Абдураимов гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари, бу дарадан қутилиш чоралари ҳамда ёшлар саломатлигига етказётган хатарлари ҳақида етарлича маълумот берганлигини таъкидлади.

Шунингдек қўлланмада қизқарлик психологик тестлар, шартли масалалар, театрлаштирилган ўйинлар ўрин олган.

Гиёҳвандлик ёшларимиз ҳаётига катта таъсир ўтказётгани боис жамғарма ўз ҳомийлигида ушбу қўлланмани нашр этди.

"Дунё гиёҳванд моддаларсиз — бунга бизнинг қурбимиз этади" шиори ҳозир соғлом авлод йилида бизни гиёҳвандликка қарши янада қаттиқроқ курашишга даъват этади.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ, Тошкент-Душанбе-Тошкент

Музокаралар сўнггида томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни ўзаро топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзоланди.

Улар орасида икки мамлакат ўртасидаги абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, айниқса, алоҳида эътиборга

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА МАХСУС МУҲБИРИ, Тошкент-Душанбе-Тошкент

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Республика "Маънавият ва маърифат" Кенгаши ҳамда "Туркистон" газетаси ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 9 йиллиги олдидан "Мен нечун севаман, Ўзбекистонни" мавзусида мақолалар куриқ-танлови ўтказилди.

Куриқ-танловда барча ижодкорлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт ва бошқа мавзулардаги, шунингдек, мустақиллик даврида эришган ютуқларимиз, ҳаётимизнинг ранг-баранглиги, давримиз кивиллари, уларнинг бунёдкорлик меҳнати ва маънавияти ақе этган мақолалари билан иштирок этишлари мумкин.

МУКОФОТЛАР:
Куриқ-танлов ғолиблиги учун ушбу қўлланмадан:

Биринчи ўрин — қимматбаҳо ғилам.
Иккинчи ўрин — магнитофон.
Учинчи ўрин — диктофон.

Куриқ-танлов мустақиллик байрами арафасида яқунланади.
Маълумот учун телефонлар 133-89-61, 139-05-30

ЎЗАРО ИШОНЧ - САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш ва Тожикистон Республикасига расмий ташрифини амалга ошириш учун 14-15 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлди.

1994 йил 30 апрелда Киргизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий маконга асос солиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Шу йили мазкур шартномага қўшилган мамлакатларнинг давлатлараро Кенгаши ҳамда Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига (Центрбанк) асос солинди. Давлатлараро кенгаш ҳамжамият доирасида иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик алоқаларини тизимини муайян йўналишга солиш билан боғлиқ масалаларда раҳбарлик қилса, Центрбанк қўшма лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланади.

Навбатдаги, Душанбе саммити, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан боғлиқ эди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, интеграцияни янада чуқурлаштириш, яқин келажақда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Давлатлараро кенгаш мажлисида эса ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари, Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика захираларидан ҳамкорликда ва унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган йили ҳамжамият давлатларида саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ҳоржий сармоя жалб қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ўсиш кўзга ташланди. Энг муҳими, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларда иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялли ички маҳсулот ҳажми ортди. Жумладан, бу борадаги ўсиш Ўзбекистонда 4,4 фоиз, Қозғистонда 1,7 фоиз, Киргизистонда 3,6 фоиз ва Тожикистонда 3,7 фоизни ташкил этди. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ялли ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан қўшни давлатлар орасида етакчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида қатнашчилар эътиборини йиғилиб қолган долзарб муаммоларга қаратди. Кенгаш йиғилишларида одатда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор ва муҳим йўналишлари белгиланади, бироқ уларнинг барчаси ҳам амалга ошяпти, деб бўлмади.

Шу боис, Ўзбекистон раҳбари минтақа давлатларидаги жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича стратегик марказлари уюшмасини тузишни таклиф этди. Уюшмага бирлашган мутахассислар гуруҳи Марказий Осиё республикаларида амалда бўлган иқтисодий моделларни солиштириш, белгиланган умумий мақсадлар амалга ошиши учун уларни мослаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашуви стратегия вазифалар бажарилишига тўсиқ бўлаётганини қайд этди. Дейлик, Киргизистон ва Тожикистон икки буюк дарё - Сирдарё ва Амударёнинг сув-энергетика захираларидан ўзинча фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса куйи оқида жойлашган Ўзбекистон учун ноқулайликлар туғдириши табиий. Муаммоларга шу зайдла яқка-яқка ёндашувлар охири-охири минтақанинг умумий манфаатига хизмат қилмайдиган қарорлар чиқарилишига тўсиқлик қилади.

Ислоом Каримовнинг фикрича, сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича лойиҳалар ижросига халқаро тузилмаларни жалб қилиш зарур. Бу тузилмаларнинг иштироки лойиҳаларни маблаг билан таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбари, минтақада сув захираларидан унумли фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини ҳам алоҳида таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Президентини Ислоом Каримов томонидан илгари сурилган бундай тақлифларни тўла қўллаб-қувватлади.

Давлатлараро кенгаш мажлиси ақунда Президентлар бир неча ҳужжатга имзо чекди. Жумладан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган мuddатда интеграцияни ривожлантириш стратегиясини ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача мuddатда ягона иқтисодий маконини яратиш бўйича биринчи навбатдаги савий-ҳаракатлари дас-

тури тўғрисидаги қарорларига қўл қўйилди. Шунингдек, президентлар Сареэ кўли билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда Афғонистондаги вазиятга қўл муружаатномалар қабул қилди.

Сареэ кўли кучли zilзил туфайли Мурғоб дарёсининг тўсилиб қолиши оқибатида вужудга келган бўлиб, бу ерда миллионлаб куб метр сув йиғилган. Айни пайтда минтақада сейсмик фооллик органи кўлнинг табиий тўғони дарз кетиши хавфини туғдирди. Агар, худо кўрсатмасин, тўғон дарз кетса, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг беш миллионга яқин аҳоли истикомат қиладиган ҳудуди жиддий хавф остида қолади. Сареэ кўли муаммосини ҳал этиш катта миқдорда маблаг талаб қилади. Шу сабабли, Душанбе саммитида Сареэ кўлини хавфсиз ҳолатга келтиришга молиявий ёрдам кўрсатишни сўраб, ҳажон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга муружаат қилинди.

Иқтисодий ҳамкорликка бағишланган саммитда нега мазкур анжуманга унчалик ҳам алоқадор бўлмаган масала кўтарилди, Афғонистондаги вазиятга оид муружаатнома қабул қилинди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Афғонистон можаҳораси минтақа мамлакатларининг иқтисодий манфаатларига катта тўсиқ бўлиб турибди. Минтақа мамлакатларининг мазкур давлат ҳудудидан ўтувчи қиска ва қулай йўллар орқали Ҳиндистон ва Покистонга, кейин Ҳинд океани орқали Жануби-шарқий Осиё ва бошқа минтақаларга чиқиш имконияти чекланди қолган. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айни пайтда бу давлатдаги вазият тобора мураккаблашиб бораётир. У террор ва нарқобизнес марказига, шунингдек, ҳокимият илнжиди бўлган томонлар ўртасидаги улкан жанг майдонига айланиб улгурди. Жаҳон ҳамжамиятининг савий-ҳаракатлари қарамай, бу киргинбаротни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти. Аксинча, вазият издан чиқиб, хатарнинг тобора кенгрок тарқалиш хавфи келиб чиқмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, минтақамиз мамлакатларига жиддий таҳдиддир.

Президентлар томонидан қабул қилинган муружаатномда БМТ, ЕХТҲ, Ислоом конференцияси ташкилоти, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган мамлакатлар ўз тавсирини ўтказиб, афғон муаммосини тезроқ ва адолатли ҳал қилишга чақирилади. Шу ўринда саммит яқунда ўтказилган мазбуот анжуманида ЎЗА муҳбирининг шу масаладаги саволига Ислоом Каримов қайтарган жавобга тўхталмоқ жоиз. Мамлакатимиз раҳбари мазкур ташкилот ва давлатларнинг халқаро микёсдаги бу муаммога етарлича эътибор қаратмаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бу борадаги савий-ҳаракатлар бизни қўнқиритмайди, - деди, жумладан, Ислоом Каримов. - Чунки бугунги кунда афғон можаҳораси маҳаллий ёки минтақавий эмас, жаҳоншумул муаммога айланган.

Афғонистонда тайёргарликдан ўтган террорчилар дунёни турли бурчаларда кўпуровчиликлар содир этаяпти. Бу ерда илдиэ отган нарқобизнес кўплаб мамлакатларга вабо каби тарқалмоқда.

15 июнь кuni Ўзбекистон Президентини Ислоом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифини бошланди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу кўшни давлатга илк бор буюрган мазкур мавқодаги ташрифиди ҳақида гапиршдан олдин 14 июнь оқшомида руй берган ҳаяжонли воқеага тўхталиб ўтиш жоиз. Шу кuni Душанбедаги "Қохи Борбад" санъат саройида Ислоом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифига бағишлаб, Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталарининг катта концерти ўтказилди. Тўплаганлар саройига кириб келган икки мамлакат президентларини самимий олқилар билан кутиб олди. Залда ҳукм сурган ҳаяжон ва кўтаринликда тожик халқининг юртбошимизга бўлган улкан ҳурмат ва муҳаббатини кўриш қийин эмасди.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли қисми концерт яқунда юз берди. Президентлар сахнага кўтарилди. Имомали Раҳмонов мамлакатимиз раҳбарини тожик заминига ташрифини кутлар экан, Ислоом Каримовни тожик халқининг "нури дийдаи тожи сари", яъни бошдаги тожи ва кўнидаги нуридир, деб атади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентига сўз берилди. Мамлакатимиз раҳбарининг, биз Тожикистонни ўз муаммолари гирдобиди ташлаб қўймаймиз, биз сиз билан доим бирга бўлаемиз, деган сўзлари аҳли Тожикистонни ҳаяжонга солди. Кўзларда кувонч ёшлари қалқди. Хатто, Имомали Раҳмонов ҳам ўз ҳаяжонини зўрга босиб тургани кўриниб туради. Ўзбекистон Президентининг қариндош мамлакат фуқаролари билан бундай самимий учра-

шувлари тожик халқи Ислоом Каримовнинг Душанбега ташрифини қанчалик интиқлик билан кутганини намоеён этди.

Энди ташрифнинг расмий қисми ҳақида. Дастлаб, дастурда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг яқка-яқка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ҳамда икки давлат учун муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз истиқлолга эришгач, уларнинг тақдирини турлича кечди. Жумладан, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, ўз тараққиёт йўлини белгилаш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳолини яшиллаш ҳаракатида бўлган эса, Тожикистон фуқаролар уруши гирдобиди қолди. Бу эса тожик халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирди. Бироқ Тожикистон халқи бу муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлди - миллий тотувликка эришилди, аҳоли турмуши ҳам маромига туша бошлади. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги бошқича айлан шув даврга тўғри келди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзаро товар айрибюлаш ҳажми ортди.

Жаёвларнинг бундай тез суръатда ривожлана бориши эса томонларни ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга чорламоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий диққат-эътибор айнан мана шу ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга қаратилди. Музокараларда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар яратиш, барча соҳалардаги мавжуд ҳамкорлик кўламини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнггида томонлар абадий дўстлик, жиноятчиларни ўзаро топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзоланди.

Улар орасида икки мамлакат ўртасидаги абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, айниқса, алоҳида эътиборга

ТОКИО. Япония Бош вазири Иосиро Мори Шимолий ва Жанубий Корея раҳбарларининг Пхенян учрашувида қабул қилинган қўшма декларацияни тарихий ҳужжат, деб баҳолади. Унинг айтишича, декларация Корея яриморли давлатларининг бирлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, мазкур саммит натижалари Япония билан КХДР ўртасида дипломатия муносабат-



лари ўрнатилди. Япония Бош вазири Иосиро Мори Шимолий ва Жанубий Корея раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви натижаларини юқори баҳолади. Ушбу саммит нафақат Корея яриморли, балки бутун Осиё-Тинч океани минтақаси хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга, деди у.

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Томонлар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин ўртасидаги қарама-қаршилиқларни тинч йўл билан ҳал қилиш, хусусан, Исроил ҳарбийларининг Иордан дарёси гарбий қирғоқдан чиқарилиши ва мустақил Фаластин давлатига асос солиш билан боғлиқ кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашди. Арафот Исроилни тинчлик музокараларини оқсатганликда айблади.

СИДНЕЙ. Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунер икки Корея раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви натижаларини юқори баҳолади. Ушбу саммит нафақат Корея яриморли, балки бутун Осиё-Тинч океани минтақаси хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга, деди у.



«ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ ЎЗБЕКИСТОН!»

Ёшлар ижоди



Нодир ЖОНУЗОҚ
ХАЛҚА-ХАЛҚА ИШҚ
СОЧАР ҚАРОҚЛАРИ
ХАВОГА

Нодир ЖОНУЗОҚ 1976 йили туғилган СамДУ Узбек филологияси факультетини тугаллаган. Бир неча шеър йиқитиб ва "Нилуфар" дostonи муаллифи. Айни пайтда Узбекистон телевидениесидда хизмат қилади.

Борми унда дугона, борми дардин сўровчи?
Борми унинг зорига етадиган эйр оғичи?
Бу эшикчи хар кимса қарар — кўринмас совчи,
Остона хатлаб энди чикмас ўзи нари қиз.

Халқа-халқа ишқ сочар қароқлари хавога,
"Кимнинг қорбасимен?" - булар Момо Ховога,
Ухам гул-ку — бир куйи очилишга даъвогар,
Очилса, ҳарлисини жаннат қилар гарми қиз,

Она — тилсиз: кексайган юрагин тимсоҳ хажор,
Ота — тилсиз: қариган манглейи гюк-гюк вагон,
Е, Худоб, сен бу уч куллага ўзинг ачин,
Кетаяпти кун сайин, ой сайин Сен сари... қиз,

Кўзимга ханжар санчдим — қандай чиқди бу шеърим,
Уттиз ун йил тулганган жондай чиқди бу шеърим,
Рости, ўзим билмайман, қандай чиқди бу шеърим...
Кўзимдан қандай омонат сандира Ер шари, қиз,

Беш йил аввал осмона
Ўт қўйгувчи қуш эдим.
Не қизларга афсона,
Не қизларга туш эдим.

Етарди бир ишора,
Чопишарди изимдан —
Баъзилари ошқора,
Баъзилари-чи — зимдан.

Бугун-чи, эҳ, тўқилдим...
Энди ҳеч ким боқмайди.
Кўларимнинг ёшида —
Кизил гуллар оқмайди.

Кутирганман. Ўзимга
Қафас бўлдим. Занжирман...
Қаҳр тўлиб кўзимга,
Юрагимни гаҳирман.

Тўқолмайман дардимни,
Топилмайди холис жой.
Чехрамдақ зардимни
Олар фақат олис Ой.

Хилол эди, тунда зор —
Термиларди у зимдан,
Хали ҳам у вафодор,
Хамон қолмас изимдан.

Кизлар эса кетди, воҳ,
Бари бир-бир эр тоғди.
Мен-чи... Менга кўп гуноҳ,
Ва уч-тўртта шеър қопти.

Юрагимнинг четидан
Очибди мунг дарича,
Лакта бўлган бетидда
Тузибди мундарижа.

Даричадан боқдим, ёр,
Кўларимдан оқди чўр:
Хамма қизнинг исми бор —
Фақат сенинг исминг йўқ...

Тошкент. Соат тунги 03. Борлиққа сукунат ўз ҳукмронлигини ўрнатган.
Кундузги юмушлар билан чарчаган аҳоли уйқуда. Фақат осойишталик
посбонлари — милиция ходимлари шаҳар кезиб атрофини зийраклик билан
кузатишди. Машиналари Лисунова кўчасидан анҳор кирган бўйлаб
юраркан, кўзлари каттагина сумкани зўрға кўтариб кетаётган икки йигитчага
тушди. Машинадан тушиб улгурмаслариданоқ йигитчалар сумкани ташлаб
қоча бошлашди.

Йигитларни қувшиди. Би-
ровини туттиди. Аммо ик-
кинчисини тун қоронғуси ўз
каърига ютиб юборди.
Милиция ходимлари сум-
кани очиб қарашди. Не кўз
билан кўришсинки, унда ин-

лишуварига мувофиқ баб-
бараварига қўлларидаги
қурол билан уришди. Қутил-
маган зарбадан кўриб уйғон-
ган ота уларга қаршилик қил-
ди. Аникроғи, ўзини ҳимоя
қилмоқчи бўлди. Лекин ўғил-
жойлашди. Улар анҳорга етай
деганларида эса милиция ма-
шинаси келиб қолди. Ака
сумкани ташлаб, уйига қоч-
ди. Бориб воқеани онасига
айтди:
— Укамни милиция тутиб

маслаҳат берди. Бизга унинг
таклифи маъқул тушди. Эрим
Тошкент самолётсозлик за-
водига ишга кирди. 1984 йил-
да иккинчи фарзандимиз Ра-
фаэл туғилди. Харбий хизмат-
га ўрганган эрим эса фуқаро-
лик ишларига қўшилмади.
Ишдан бўшаб, бекорчиға ай-
ланди. Ночорликдан мен
ишга кирдим. Бироқ толганим
билани боқишга етмасди.
Негаки, эрим ичкиликка ружу
қўйганди. Боз устига, жиндек
ичиб олса бас, мени ва бо-
лаларимни сўқар, урарди.

айбини оғирлаштирувчи то-
монларини ҳисобга олиб,
уларга жазо тайинлади. Рамил
Маникаевни 16 йилга, унинг
онаси Роза Маникаевани 10
йилга озодликдан маҳрум
эти. Шунингдек, Рафаэл Ма-
никаев ҳам 6 йилга озодлик-
дан маҳрум бўлди. Шундай
қилиб, бутун бир оила
фожега дучор бўлди. Улар-
нинг кунда жанжал-тўполон
бўлиб турадиган уйлари ким-
сасиз хувилаб қолди.
Маникаевлар хонадонидда
рўй берган бу мусибатни эса
суд ҳукмидан кейин хар ким,
хар хил талқин қилди. Биров-
лар "Анварнинг ўзи инсоний
қияфасини йўқотган экан маъ-
луқ эди. Шундай экан, итга ит

ПАДАРКУШЛАР
Ота зулмидан безган икки фарзанд оналари
иштирокига ўз оталари қотилига айланишди

соннинг бошсиз, қўл-оёқсиз
танаси жойланган экан!
Рафаэлнинг қочиб қолган
шериги ўз акаси Рамил
бўлиб, улар ўша куни она-
ларининг иштирокида ўз ота-
ларини ўлдиргач, жасадини
қисмларга бўлиб гумдон
қилиш учун ярим тунда кўча-
га чиққан эди...

лар унинг қўл-оёқларини
ушлаб, ўрнидан тургани
қўйишмади. Шунда қаттиқ
жараҳатланган ота уларга
ёлворди:
— Кўйворинглар мени,
энди ҳеч қачон урмайман сиз-
ларни, хафа қилмайман, ишо-
нинглар, сўз бера...

— Мен Қорақамшига, хо-
ламнинг уйига кетдим. Агар
милиция сўраса, отамни мен
бир ўзим ўлдирдим. Шундай
дент, тушундингизми?

Кўпинча уйимизга ҳам кирит-
масди. Хатто қаҳратон киш
қуллариди ҳам пичоқ ва бол-
та ўқталиб, бизни кўчага ҳай-
даб чиқарарди, ўша қотиллик
рўй берган кунни ҳам у ичиб
олиб, мени дўппослади. Мен
Хамза тумани ИИБга арз қил-
дим. Уни ўғлим Рамил билан
милицияга чақиртирди. Бироқ
қайтишда эрим яна ичиб маск
бўлиб, ўғлимга "Сен менинг
пулимни ўғирладинг" деб тух-
мат қилибди. Ота-бола ораси-
да жанжал чиқиб, сан-манга
боришди. Шу пайт уйимизга
Анвар деган қўшимиз чиқиб
қолди. Икковлашиб яна
бўққунча ичишди. Эрим маст
ҳолда шишадoshiга ҳам
ўғлим пулини "ўғирлаб" ол-
ганидан ҳасрат қилди. Буни
зашитган кўшини ҳам Рамил-
ни койди. Кўшини уйига кет-
гач, эрим тагин мени ва
ўғлимни сўқа бошлади. Мен
жанжалдан қочиб ошхонага
чиқиб кетдим. У эса Рамил
билан анча вақтгача жанжал-
лашди. Кейин шундоқ полда
ётганича ухлаб қолди.

ўлими-да", деса, бошқа би-
ровлар "барбир у Роза учун
эр, Рамил ва Рафаэл учун ота
эди. Шундай қилгач, унинг ўз
фарзандларию, хотини томо-
нидан ўлдирилишини асло
қилмади" деган фикр-
ни билдирди. Бу фикрлар-
нинг хар бириди ҳам жон бор.

Бу ака-укалар Лисунова
кўчасидаги 1-а уйда яшов-
чи Роза Маникаеванинг ўғил-
лари бўлиб, қотилликларини
тафсилотли куйидагича:
— Қачонгача бу жоҳил ота-
мизнинг жабрига чидаймиз, -
деди Рамил онасига қараб. -
Бўлди отар! Яхшиси уни
ўлдириб қўя қолайлик!

— Энди, болаларим, тез-
рок у олимни жасадини бу
ердан гумдон қилинглар. Мен
у ишқирнинг жасадини ҳам
қўришга тоқатим йўқ! - деди
она.

Суд мажлисида мазкур
қотилликнинг содир этилиши
сабаблари жиноятчилар, гу-
воҳлар, суд-тибиёт эксперти-
заси хулосалари асосида чу-
қур муҳокама этилди. Унда
қотилларнинг онаси Роза
Маникаева ўз айбига тўла
икрор бўлиб шундай деди:

— Биз марҳум эрим билан
яшаб турган шахримиз — Са-
мардада 1977 йилда турмуш
қурдик. Тўйимиздан кейин
орадан кўп ўтмай уни харбий
хизматга чақиртирди. Хизмат
бурунини бажариб "денбел"
бўлишига саноқли кунлар
қолганида у менга телеграм-
ма жўнатди. Харбий қисмда
прапорщик бўлиб ишлаб
қолишини айтиб, мени ҳам
ўша ерга чақиртирди. У хиз-
мат қилаётган жойга бордим.
Ўша даврларда синглим биз-
га Тошкентга келиб яшашни

Лекин бу хонадонда (оила
ҳам кичик жамият) бўлаётган
жанжал-тўполонлар, ота-бо-
лалару эр-хотин ўртасиддаги
можароларни кўни-қўшни-
лар, маҳалла-қўй ҳам билар-
ди-ку. Битта ношуд отани
ўртага олиб, тавбасига таъни-
тириб қўйиб бутун бир ма-
ҳалланинг қўлидан келмасди-
ми? Келарди! Бироқ бу муҳим
ишга ҳеч ким эътибор берма-
ди. Натжижада, хонадон авзо-
лари ўз ёлғарига ўзлари қов-
рилиб, адои тамом бўлишди.
Пировадида эса машъум
қотиллик рўй берди.

— Унда мен ўзим укам би-
лан биргаликда ўлдирман
уни!
Она ўғлининг гагига жавоб
бермади.

— Энди сен бу ердан чи-
қиб тур, бўғини ўзимга қўйиб
бер - деди.
Ука онасининг ҳузурига
чиқиб турди. Тана алоҳида-
алоҳида бўлақларга бўлингач,
яна укасини чақирди:

Суд Анвар Маникаевнинг
оила авзолига ўтказган зу-
ғумларини, ҳеч қаерда фой-
дали меҳнат билан шуғуллан-
май, паразитларга кун ке-
чирганлигини инобатга олган
ҳолда унинг қотилларнинг
жиноий ҳаракатларига баҳо
берди. Қотилликда иштирок
этган хар бир жиноятчининг

Шундан кейинги кўни-
қўшинилару маҳалладагилар
қотил йигитлару, ношуд эр
томонида жабрланган аёл
ҳақида тавсиф ва тавсифнома-
лар бера бошлашди. Лекин
энди кеч эди.

Тоҳир НАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар
судининг судьяси,
Мурод КАЛОНХОНОВ,
журналист

Миллионлар уйини

ПЕШҚАДАМЛАРНИНГ ЖАНГОВОР БАҲСИ

IX Миллий чемпионатнинг учрашувлари кескин тус
олмоқда. XVII турда ҳужумчилар дарвозаларни 31
бор аниқ нишонга олган бўлсалар, XVIII турда
ҳужумчилар рақиб дарвозасини 41 бор нишол этдилар.
"Самарқанд" — "Дўстлик" учрашувини томоша қилишга
келган ошадий мухлислар эса дарвозаларга
критикадан тўққиз тўпнинг гувоҳи бўлишар.

Самарқанддаги учрашу-
в турнинг энг муҳим ва мар-
казий уйини эди. Шу кунгача
жадвалда қарвонбошлик
қилаётган "Дўстлик" футбол-
чилари сафарда бирон мар-
та ҳам мағлубиятга учрамаган
эдилар. Майдон эгалари пе-
шқадамга қарши кўтаринки
ружда тўп суриб, учрашувнинг
9 дақиқасида ҳисобни очши-
га муваффақ бўлишар. Сўнгра
меҳмонлар қарши тенглаш-
тирилди. Ойбек Усмонхўжа-
ев яна майдон эгаларини
ҳисобда олдинга олиб чиқди.
Танафусгача Ойбек Усмон-
хўжаев, Мухсин Мухаммадиев
ва Э. Гамбаровлар меҳмон-
лар дарвозасига тўп киритиб,
ҳисобни 4:1 га етказиб
қўйдилар. Танафусдан сўнг
эса Жаъфар Ирисметов икки
тўп киритиб, ўртадаги фарқ-
ни қисқартирди. Учрашув ту-
гашига саноқли дақиқалар
қолганда Раваҳан Бозоров
меҳмонлар дарвозасига
сўнгги олтинчи тўпни кир-
тирди ва ҳисобни 6:3 га ет-
казди. "Самарқанд" жамоа-

си чемпионатда пешқадам-
лик қилаётган "Дўстлик" жа-
моаси устидан муҳим ғалаба
қозониб, ўз очколар сонини
40 тага етказиб олди.
"Дўстлик" ҳисобида 44 та очко
бор ва улар биринчи ўринни
банд қилиб туришибди.
"Бухоро" — "Пахтакор" ва
"Насаф" — "Металлург" жамо-
алари учрашувида дарвоза-
ларга еттидан тўп киритил-
ди. "Бухоро" ва "Насаф" 4:3
ҳисобида ғалаба қозондилар.
"Гулистон" дарвозасига беш-
та тўп киритиб, ўз дарвозаси-
дан бир тўп ўтказиб юборди
ва 5:1 ҳисобида йирик ғала-
бани қўлга киритди.
"Навбахор" — "Хоразм" ва
"Нефтчи" — "Сўғдиёна" учра-
шувариди ҳам 3:1 ҳисоби
қайд этилди. Хар икки учра-
шувда майдон эгалари устун
чиқдилар.

фар Ирисметов 17 тўп билан
қарвонбошлик қилмоқда.
Зафар Холмуродов сўнгги уч-
рашувда икки тўп муаллифи
бўлиб, ўз ҳисобидаги тўплар
сонини 15 тага етказиб, ик-
кинчи ўринга чиқиб олди.
Мухсин Мухаммадиев 14 тўп
билан учинчи ўринда бор-
моқда. Жамоалар 19 турни
22 июнда ўтказадилар.

Дор УСТИДАГИ
ҚИЗАЛОҚ
Узоқдан қарнай-сурнай са-
доси қулгоғига қалинди. Ки-
зиқиб ўша томонга отилдим.
Ногоҳим дор устида уйинлар
ижро этаётган қизалоққа ту-
шди. Ишқилиб тушиб кетмасин,
дейман ўзимга-ўзим. Кўп
қаватли бинонинг тепасидан
пастга қарасам қанчалик
қўриқинчи. Дор — ингичка-
гина бир ил.

— Сурхон "Трактор" жамо-
асини қабул қилиб, 2:0 ҳисо-
бида ғолиб чиқди ва ўз оч-
колар сонини 31 га етказиб,
яна кучли олтиликка қайтди.
"Темирйўлчи" — "Турон"

бирлиги. 6. Ер ҳайдаш мосламаси. 7. Эрондаги шаҳар. 8.
Зах. 9. А.Темир тумонидан 1402 йилда тор-мор этилган су-
тон. 11. Ариқ, дарё. 12. Мато. 13. 1991 йилнинг 21 декаб-
рида республикамиз аъзо бўлган ташкилот. 14. Сарсон. 16.
Дайди одам. 17. Бесаранжом. 18. Чақирш. 19. Қум тўшал-
ган майдон, саҳн. 23. Мевали дарактзор. 24. Эраклар ли-
боси. 31. Қурқмас. 33. Уддабурунлик, қобилият. 34. Саудия
Арабистонидидаги шаҳар. 35. Яхшилик, эзгулик. 38. Раъно-
гулдошларга мансуб мевали даракт. 39. Россиядаги дарё.
40. Қирол. 41. Идиш. 44. XVI асрнинг 60-йилларида Тош-
кентда қурилган мадраса. 47. Ҳ.Бойқаронинг адабий тахал-
луси. 48. Тоғдаги уйқ. 49. Тошли ер. 50. Тўн. 51. Манза-
рли даракт. 52. Инженер сўзининг ўзбекча ўғирмаси. 58.
Тожикистондаги тоғли вилоят. 59. Найранг, қилиқ. 60. Ма-
толи тўсиқ. 64. Инсоннинг "душмани". 65. Ҳаё. 67. Оқ. 68.
Атиргулдошлар оиласига мансуб даракт. 70. Африкадаги
дарё. 71. 1365 йилги уруш тарихда "Жанги..." деб аталади.
72. Бобонинг ўғли, неварасининг суянчиги, зурриёб давоми-
чиси. 73. Уллон, солиқ.

Тупуларлар баҳсида Жаъ-
фар Ирисметов 17 тўп билан
қарвонбошлик қилмоқда.
Зафар Холмуродов сўнгги уч-
рашувда икки тўп муаллифи
бўлиб, ўз ҳисобидаги тўплар
сонини 15 тага етказиб, ик-
кинчи ўринга чиқиб олди.
Мухсин Мухаммадиев 14 тўп
билан учинчи ўринда бор-
моқда. Жамоалар 19 турни
22 июнда ўтказадилар.

Талъат ЮСУПОВ,
спорт шарҳловчиси

Table with 7 columns: Jamoalar, U, Y, D, M, T-N, O. Lists team names and their scores across different rounds.

ЭНИГА: 1. Эзгулик. 4. Фалак. 7. Раъногулдошлар оила-
сига мансуб мевали усинлик. 10. Машина русуми. 15. Се-
роб. 16. Жаҳонгашта рицар. 18. Хароба. 20. Ушалмаган орзу.
21. Арманистондаги шаҳар. 22. Европадаги шаҳар. 25. Ранг.
26. Гаранг. 27. Энисиз, қисқа. 28. Пўнуса. 29. Вақт ўлчови.
30. Қадимги Византиянинг ўрта асрлардаги номи. 32. Тош-
кентнинг қадимги номларидан Мадинат аш-... 36. Мевали
бута. 37. ... Комиллов. 39. Табиат ҳодисаси. 41. Амударё-
нинг қадимги номи. 42. Россиядаги дарё. 43. Жамол, зий-
нат. 44. Нишон. 45. Зиб. 46. Харом. 47. Бахт қуши. 49.
Мевали чирмашиб ўсувчи бута. 52. Машина русуми. 53. ...
қадрини заргар билади. 54. Мухтож. 55. Катта матоли идиш.
56. Тег десам тегмайди, тегма десам тегди. 57. Китоб бўли-
ми. 61. Тўн. 62. Қўшиқларда қўйи боқиладиган қиз. 63.
Муъжаз майдонча. 66. Хонани ёритиш воситаси. 68. 1875-
1919 йилларда Туркистонда жадидлик ҳаракати раҳбарлари-
дан бири, ёзувчи, жамоат арбоби. 69. ИИВдаги бўлим. 73.
... омон бўлса, дўппи топилади. 74. "Бой ила хизматчи" да-
ғи бойнинг исми. 75. Жаноб сўзининг арабча айтилиши. 76.
XIII-XIV асрларда Сивосдан шарқда жойлашган шаҳар.
БЎЙИГА: 1. Ёвузлик. 2. Айёр. 3. ... биргаликда. 5. Вақт

БОШҚОҲАДА
Crossword puzzle grid with numbers 1-76.

Туркистон МАУАССИС:
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
Тажриб хайъати: Хотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ, Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАБОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул қотиб), Шоазим МИНАВВАРОВ, Гаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ
Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Мухбирлар 133-95-97, Хатлар бўлими 133-79-69
Навбатчи муҳаррир Лола СОАТОВА
"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни басмахонаси
Қўроҳона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. Буюртма Г. — 510.
Рўйхатдан ўттич тартиби № 00012.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2.
Тошхизма топшириш вақти-20.00
Бошириладди-21.00
1 2 3 4 5 6